O'ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
**№71-72 (824-825)** 2024 йил 27 август, сешанба
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# Юксак мукофотлар муборак бўлсин!

**Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, барча соҳа ва тармоқларда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантиришдаги улкан хизматлари, жамиятимизда ижтимоий барқарорликни сақлаш, маънавий янгиланишга эришиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ юртдошларимиздан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланишди. Қувонарлиси, давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар орасида қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш соҳасининг фидойи вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил қилади.**

**Қуйида улар билан танишинг.**

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ" ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Рахмонов Бахтиёр Султонович** – Тошкент шаҳар ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

### "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

**Адилов Обид Чориевич** – Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг ўринбосари – бош муҳандиси

**Анваров Козимжон** – Фарғона шаҳридаги "Эко шаҳарча" қурилиш лойиҳаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Ганиев Абдумаджид Рашидович** – "12-трест" акциядорлик жамиятининг 50-қурилиш бошқармаси ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Исаев Акрам Амануллаевич** – Учтепа туманидаги "Кўприк қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Маматкулов Мурадали Хайдарович** – Самарқанд шаҳридаги "Мароқанд обод" давлат унитар корхонаси махсус автомашина ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

**Фазилов Ахмад Тургунбаевич** – Тўрақўрғон туманидаги "4-қишлоқ қурилиш комбинати" масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Наманган вилояти

### "ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

**Адилов Азизжон Зайниддинович** – Тошкент шаҳар ҳокимлиги қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича котибияти бош мутахассиси

**Бабажанов Бахит Сапарниязович** – "Қорақалпоқ сув таъминоти" акциядорлик жамиятининг Чимбой тумани бўлими экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бадалова Зулфияхон Равшановна** – Хўжаобод туманидаги "Bunyodkor Trans Servis" масъулияти чекланган жамияти пардозчиси, Андижон вилояти

**Джуманиязов Камарадин Раджапович** – "Кўприкқурилиш" акциядорлик жамиятининг 13-кўприкқурилиш отряди занжирли оғир кран машинисти

**Жабборов Жасур Бозорович** – "Ўзшаҳарқурилишинвест" масъулияти чекланган жамияти директори

**Қодиров Бахромжон Зокирович** – Бувайда туманидаги "Трест-6" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Мамадиева Жамила Мамараимовна** – Мирзачўл тумани ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштирувчиси, Жиззах вилояти

**Мамашарипов Музаффар Ражабович** – "Кўприкқурилиш" акциядорлик жамиятининг 67-кўприкқурилиш отряди электр-газ пайвандчиси

**Рахматов Кахрамон Ахмадович** – Тошкент вилояти йўллардан мунтазам фойдаланиш давлат муассасаси асфальт ётқизиш машинаси ҳайдовчиси

**Тошев Собиржон Каххорович** – Самарқанд шаҳридаги "Univer Pro Stile" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

**Холиқулова Ранохон Рахимовна** – Гулистон шаҳри ободонлаштириш бошқармаси бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

***Тақдирланганларни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан табриклаб, юрт тараққиёти йўлида олиб бораётган фаолиятларида улкан зафарлар тилаймиз!***

## Ҳарбий хизматчилар байрамни янги уйда нишонлашади

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 33 йиллиги байрами арафасида Бухоро ҳарбий горнизонидаги куч тузилмаларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар учун янги ва замонавий услубда барпо қилинган уй-жойлар фойдаланишга топширилди.**



Шаҳарнинг Амир Темур мавзесида қурилган бу уйларни "Бухоро транс терминал" қурилиш-пудрат корхонаси бинокорлари барпо этишди.

Тантанали маросимда ҳарбий хизматчиларга хонадонлар калитлари топширилди. Иншоотни барпо этган қурувчиларга ҳам алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Шундан сўнг лента қирқилиб, тадбирда йиғилганлар шинам ва замонавий турар жойда яратилган шарт-шароит билан танишди.

Барпо этилган мазкур иншоот умумий қийматининг 25 фоизи, яъни 5 миллиард сўмдан зиёд маблағ Мудофаа вазирлиги томонидан қоплаб берилгани ҳарбийлар ва улар оилалари учун катта имтиёз бўлди.

Муҳими, ҳарбийлар уйида зарур жиҳозлар, ошхона мебели ва газ плитаси, ювиниш тармоғи, яна эшик-деразалари ўрнатиб берилган, эмин-эркин яшаш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Бундан ташқари, алоҳида иситиш тизими, уйлар олдида болалар майдончаси, суҳбатлашиш учун жойлар барпо этилганлиги яшовчиларга катта қулайлик яратади, деб хабар қилади ЎзА мухбири Зариф Комилов.

Ипотека кредити асосида расмийлаштириб берилган бу турар жойларнинг ойлик тўловлари ҳам унча қиммат эмас.

# ЦЕМЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЯДИ

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 33 йиллиги байрами арафасида Жиззах вилоятининг Фориш тумани "Эгизбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янгидан барпо этилган "Жиззах цемент" заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**





Янги лойиҳанинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган ушбу маросимда Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев сўзга чиқиб, барча тадбир иштирокчиларини энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 33 йиллиги билан самимий муборакбод этди.

Тадбирда сўнгги йилларда Президентимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, чет эл инвестициясини жалб қилиш орқали қўшимча қиймат яратиш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Жорий йилнинг 20 август куни давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида мамлакатимиз ишбилармон доира вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказиб, тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш борасида муҳим асосий йўналишларни белгилаб берди.

– Бугунги кунда Фориш нафақат вилоятимизда, балки мамлакатимизда ҳам саноатлашган туманга айланиб бормоқда, – деди вилоят ҳокими ўз сўзида. – Айни пайтда ушбу ҳудудда "Эгизбулоқ" саноат зонаси ташкил этилиб, саноат корхоналарини зарур инфратузилма билан таъминлаш борасида амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Туманда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторлар маблағлари ҳисобидан бир қанча замонавий саноат корхоналари бунёд этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Ушбу янги цемент ишлаб чиқариш лойиҳасининг қиймати 150 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Корхона тўлиқ ишга тушгач, йилига 2 миллион тонна юқори сифатли, экспортбоп цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 450 нафар янги иш ўрни яратилади.

Мазкур лойиҳада дунёнинг энг сўнгги илғор энергия тежамкор технологиялари ҳисобланган, яъни ишлаб чиқариш линиясида юқори ҳароратли печдан атмосферага ажралиб чиқадиган иссиқлик ва зарарли газларни қайта ишловчи – "WHR – Waste Haed Recovery sistems" тизими ўрнатилганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш заводининг экология ва атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш учун хизмат қилишига ҳамда электр энергияси сарфини 30-35 фоизга қисқартиришга эришилганидан далолатдир. Завод – ички ва ташқи бозорларни рақобатбардош ва ҳамёнбоп цемент маҳсулотлари билан таъминлашга кўп йиллар хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бугун ушбу лойиҳада қурилиш ишлари якунланиб, асбоб-ускуналар тўлиқ олиб келиб ўрнатилди ва лойиҳа доирасида 450 ва 500 маркали юқори сифатли цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бундай йирик саноат корхонасининг ишга тушгани фаришликлар учун мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги тўйига ажойиб тўёна бўлди, деб хабар қилади ЎзА мухбири А. Қаюмов.

Тантанали очилиш маросимида меҳнат фахрийлари, вилоят ва Фориш тумани ҳокимлиги, секторлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№71-72 (824-825) 2024 йил 27 август

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# БМТ вакиллари иштирокида очиқ мулоқот

**БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Муносиб турар жой масалалари бўйича махсус маърузачиси Балакришнан Ражгопалнинг Ўзбекистон уй-жой бозорида фаолият юритаётган бизнес ва бизнес уюшмалари вакиллари билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда вазирлик ва идоралар қатори қурилиш компаниялари ҳамда кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари ҳам иштирок этишди.**




Турар жой муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлит тизими давлат томонидан изчил уй-жой сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, уй-жой соҳасидаги давлат бошқарувини таъминлашни, мазкур сиёсатни тартибга солишнинг самарали механизмларини йўлга қўйишни кафолатлайди. Очиқ мулоқотда сўз олган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Муносиб турар жой масалалари бўйича махсус маърузачиси Балакришнан Ражгопал мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишларни ўрганаётганини таъкидлаб, бунда уй-жой масаласи муҳим эканлигини қайд этди.

– Бугун мамлакатингизда қурилиш суръатининг ортиб бораётгани аҳолини уй-жой билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, – деди Балакришнан Ражгопал. – Инсоннинг энг муҳим ҳуқуқи бу муносиб шароитларда яшаш шароити билан таъминланганлигидир. Мен учун ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишлар жуда қизиқ.

Шунингдек, Балакришнан Ражгопал аҳоли турмуш шароитини яхшилаш йўлида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг муаммолари, мазкур йўналишда давлат ташкилотларининг аҳамияти каби масалаларга ҳам қизиқди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари учун яратилган шароитлар хусусида фикр алмашилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳамма соҳа қатори уй-жой коммунал йўналишда ҳам аҳолининг алоҳида эътиборга муҳтож қатламига қатор имтиёзлар белгиланган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Кўп квартирали уйларни бошқаришни такомиллаштириш ва коммунал хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги 47-сон қарори билан кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мажбурий бадални тўлаб бериш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган. Низомда кўп квартирали уй-жойларда истиқомат қилувчи, Молия вазирлиги томонидан олиб бориладиган "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган оилаларга мажбурий бадални тўлаб бериш учун субсидия ажратиш тизими жорий қилинган.

Очиқ мулоқотда қурилиш компаниялари ҳамда кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари вакилларининг ҳам саволларига атрофлича жавоб берилди. Хусусан, мамлакатимизда қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилишда назорат тизимининг қатъийлиги, бу борада халқаро тажриба қандай мезонларга асосланиши бўйича берилган саволга хорижлик мутахассис шундай жавоб берди:

– Назорат тизими қурилиш объектларида айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Тез вақт ичида қурилишни топшириш ва шу орқали нархга ижобий таъсир ўтказиш баробарида сифат даражасини ҳам инобатга олишимиз шарт. Сифат эса маълум вақт талаб қилади.

Шунингдек, мулоқотда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида фаолият юритувчи "Моҳинур коммунал" БСК раҳбари Моҳира Нуруллаева ҳам сўзга чиқиб, кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасидаги сиёсатга тўхталар экан, давлат томонидан бу борада берилаётган қатор имтиёзлар ҳақида фикр билдирди. Уй-жойларга хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликка кенг эътибор берилаётгани ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида эътироф этилди. Бошқарув сервис компаниялари уюшмаси раиси Гулнора Отажонова эса халқаро майдонда мулкдорларнинг ўз мулкига бўлган муносабати билан қизиқди. Унга жавобан, мутахассис коммунал хизмат кўрсатиш фақатгина тегишли мутахассисларга эга ташкилотлар томонидан амалга оширилиши, бу биринчи навбатда аҳолининг хавфсизлик нуқтаи назаридан муҳим эканлиги, аҳоли эса мазкур хизматлар учун ўз вақтида маблағ тўлаши, ушбу жараён қонун ҳужжатларида қатъий белгилаб қўйилиши лозимлигини айтди.

Бир сўз билан айтганда, учрашув қурилиш ва коммунал соҳада меҳнат қилаётган тадбиркорлар учун халқаро даражадаги тажриба алмашиш майдони бўлиб хизмат қилди.

Бошқарув ташкилотлари фаолияти муҳокама қилинди

Вазир ўринбосари Озода Жўраева пойтахтимизда фаолият юритиб келаётган бир қатор бошқарув ташкилотлари вакиллари билан учрашиб, соҳадаги долзарб масалалар, галдаги муҳим вазифалар хусусида учрашув ўтказди.

Унда кўп квартирали уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, бошқарув ташкилотлари фаолиятида учраётган муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, туташ ер участкаларини тозалашдан ҳосил бўлган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш тартиби, кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмларидан фойдаланиш ҳамда биллинг тизимига оид баҳсли масалаларга ечим берилди.

Шунингдек, бошқарув ташкилотларининг халқ олдидаги масъулиятига яна бир бор урғу берилди.

– Давлатимиз раҳбари билан соҳада жуда кўп ўзгаришлар бўлмоқда, – деди Озода Жўраева. – Бугун коммунал соҳанинг қуйи тармоқларида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис фикри инобатга олиниб, уларга қулай шароит яратиш чоралари кўрилмоқда. Шу маънода, биздан ҳам катта масъулият, юртимизни ривожлантириш йўлида дахлдорлик талаб этилади. Шу билан бирга, тадбирда бошқарув ташкилотларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ҳисоботи тингланиб, зарур тавсиялар берилди.

# Ижтимоий соҳа объектлари ўрганилди

**Сарвар БОБОНАЗАРОВ,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

**Қайси соҳани олмайлик, замонавий ва етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, тараққиётга, фаровон ҳаётга эришиб бўлмайди. Келажак авлод вакилларининг таълим-тарбия олишлари учун давлат бюджетидан маблағ ажратилиб, кўплаб таълим даргоҳлари қурилмоқда.**



Бироқ объектлардаги қурилиш жараёни белгиланган меъёрларга амал қилинган ҳолда олиб борилаптими?

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва Ургут тумани прокуратураси масъуллари томонидан туманда инвестиция дастури доирасида қурилаётган ижтимоий соҳа объектлари ўрганилди. Дастлаб, инспекция ходимлари "Жозмон" МФЙда "Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси" давлат муассасаси буюртмачилигида "Булоқбоши қурилиш инвест" МЧЖ томонидан реконструкция қилинаётган 34-мактабда ўрганиш ишларини олиб боришди. Ўрганишлар натижасида объектда бир қатор қоидабузарликлар аниқланди.

Хусусан, терилаётган ғиштларнинг горизонтал ва вертикал чоклари қоришма билан тўлиқ тўлдирилмаган. Шунингдек, ҳаво ҳарорати 25 градусдан юқори бўлганлиги учун терилаётган ғиштлар камида бир дақиқа сув билан тўйдирилиши керак бўлса-да, бу жараён сув билан тўйдирилмасдан бажариляпти. Қурилиш майдони белгиланган тартибда ўралмаган, объект ҳудуди қурилиш чиқиндиларидан тозаланмаган. Бундан ташқари, техника хавфсизлиги қоидаларига умуман амал қилинмаяпти, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланмаган. Уларнинг ювинишлари, овқатланишлари ва дам олишлари учун керакли шароит яратилмаган. Объектда буюртмачининг техник, лойиҳачининг муаллифлик ҳамда пудратчининг ички назоратчиси томонидан назорат ишлари ўз вақтида олиб борилмаганлиги сабабли ҳам юқоридаги камчиликларга йўл қўйилган. Бу орқали Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сонли қарорининг ижроси таъминланмаган. Энг ажабланарлиси, ҳали бажарилмаган ишлар учун ишчи коммисия томонидан бўш далолатномаларга имзо қўйилган.

Олиб келинган ғиштлар белгиланган талабларга жавоб бермайди. Инспекция томонидан ғиштларни ишлаб чиқарган корхонанинг фаолиятини кўриб чиқиш учун тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

Объектларда аниқланган қоидабузарликлар назоратга олиниб, қурилиш иштирокчиларига "Қурилишда давлат назорати" тизими орқали бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди ва сифатсиз терилган ғиштлар демонтаж қилдирилди.

Шаҳар бедарвоза эмас. Айрим фуқаролар кўп қаватли уйларнинг таянч деворларини ўзгартириш келгусида катта зарар етказишини билишса-да, белгиланган талабларга амал қилишни лозим топмайди. Самарқанд шаҳрида ҳам ўзбошимчалик билан бинонинг таянч деворларини ўзгартираётган ҳолатлар учраб турибди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан шу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида аҳоли мурожаатларига асосан рейд тадбирлари ўтказилди.

Хусусан, ўтказилган рейд тадбирлари давомида Самарқанд шаҳрининг Рўдакий кўчасидаги 120-кўп қаватли уйнинг мулкдори ўзбошимчалик билан бинонинг девор конструкциясини бузиб, уйнинг олд туташ ҳудудидан қўшимча қурилма қурганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарга ҳолатни бартараф қилиб, олдинги ҳолатига қайтариш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди. Шунингдек, Рўдакий кўчасидаги 132-кўп қаватли уйнинг мулкдори ҳам ўзига тегишли хонадоннинг ички таянч ва тўсиқ конструкцияларини ва уй-жойнинг фасад қисмидаги 2 та дераза жойини бузиб, ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда эшик очганлиги аниқланди. Яна бир ҳолатда эса Самарқанд шаҳар, Дамариқ-1 маҳалласи, Нарпай кўчасидаги 77-сонли кўп қаватли уйнинг умумий фойдаланишдаги конструкцияси, яъни зина қисмини ушбу уйнинг мулкдори шаҳарсозлик ҳужжатларини расмийлаштирмасдан, тегишли ташкилотларнинг рухсатисиз бузиб ташлагани маълум бўлди.



Ўрганиш ишлари туманнинг Бунёдкор маҳалласида "Фурқат қурбон қурувчи" МЧЖ томонидан реконструкция қилинаётган 52-мактабда давом этди. Ушбу объектда терилаётган ғиштлар сифатсиз, талабга жавоб бермайди. Бундан ташқари, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаган, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланмаган.

Шунингдек, туманнинг Совғон маҳалласидаги 65-сонли мактабни реконструкция қилиш объекти ҳам ўрганилди. Қурилиш ишлари "Фурқат қурбон қурувчи" МЧЖ томонидан олиб борилмоқда. Ушбу объектда ҳам терилаётган ғиштлар сифатсиз, талабга жавоб бермайди. Бундан ташқари, қурилиш материалларини сақлаш учун махсус омборхоналар ташкил қилинмаган, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаган, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланмаган.

Юқоридаги каби қоидабузарликларни тумандаги 35, 36, 83 ҳамда 120-сонли умумтаълим мактабларида олиб борилаётган қурилишларда ҳам кузатиш мумкин. Ушбу объектларга ҳам

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан Инспекция томонидан ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 159-моддаси 3-қисмига асосан маъмурий жарималар қўлланилди. Ушбу ҳолатларни ҳуқуқбузарлар ўз ихтиёри билан техник шартлар асосида олдинги ҳолатига кучайтирилган тартибда қайтариши юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар тақдим қилинди. Агарда кўрсатмада берилган муддат ичида ҳуқуқбузарлар ҳолатни бартараф қилиб олдинги ҳолатига қайтармаса, мажбурий тартибда бартараф қилиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризалари киритилади.

Инспекция томонидан вилоятимиз бўйлаб юқоридаги каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида рейд тадбирлари давом эттирилмоқда.

# Обод юртнинг файзи ўзгача



**Мамлакатимиз мустақиллигига 33 йил тўлиши муносабати билан "Маҳалла обод – юрт обод" шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ташкил қилинди. Ҳашар – миллий қадриятларимизнинг ёрқин намунаси сифатида одамларда бирдамлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

Энг улуғ ва энг азиз айёмни кўтаринкиликда кутиб олиш учун ўзига хос тайёргарлик сифатида бошланган тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ходимлари ҳам фаол қатнашдилар. Эрта тонгдан бино атрофидаги яшил ҳудуд обод қиёфага келтирилиб, дарахтлар оқланди, йўллар чиқиндилардан тозаланиб, тартибга келтирилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбири доирасида вазирлик ишчи-ходимлари томонидан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳам экилди.

Истиқлолимизнинг 33 йиллик байрами арафасида республика миқёсида бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида вазирлик тизим ташкилотлари, хусусан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, "Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази" ДМ ,"Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими, "Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатишди. Шунингдек, кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари ҳам умумхалқ ҳашарида қатнашиб, юртимиз ободлигига хизмат қилишди. Хусусан, Мирobod туманидаги "Pro service" БСК томонидан уйлар атрофини тозалаш, дарахт ва кўчатларни оқлаш, болалар майдончаларини тартибга келтириш ишлари амалга оширилди.

"Маҳалла обод – юрт обод" шиори остида бошланган мазкур умумхалқ хайрия ҳашарида Фарғона вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси, туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда бошқарув сервис компанияларида фаолият кўрсатувчи ходимлар ҳам фаол иштирок этдилар. Ушбу умумхалқ хайрия ҳашарида ватанимизни янада обод этиш иштиёқида яшаш, миллий қадриятларимизни улуғлаш йўлида барча юртдошларимиз бирдамлиги яна бир бор намоён бўлди. Шунингдек, Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ҳамда Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари ҳам хайрихоҳлик билан иштирок этишди. Ишчи-ходимлар эрта тонгдан бошқарма ҳовлисида тозалаш ишларини олиб боришди. Йўл четлари ва ариқ бўйлари тозаланиб, дарахтлар таги юмшатилди, атроф тоза ва ораста масканга айлантирилди. Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида ҳам ҳашар юмушлари уюшқоқлик билан олиб борилди. Вилоятнинг Нурафшон шаҳри, Олмалиқ, Пискент ва Тошкент туманларидаги маҳаллаларда ҳам кўп қаватли хонадонлар эгалари БСК ходимлари билан биргаликда хайрли ишда фаол қатнашдилар.

# Вазирлик вакиллари Тўпаланг сув тозалаш иншоотида бўлишди

**Қурилиш ва уй-жой комунал хўжалиги вазирлиги масъуллари Тўпаланг сув тозалаш иншоотида бўлдилар. Ўрганиш чоғида сув таъминотини ривожлантириш ишлари кўздан кечирилиб, мазкур йўналишда амалга оширилаётган инвестиция ва қурилиш масалалари муҳокама қилинди.**

Шунингдек, Денов туманидаги "Сурхон Диёр" оқова сув иншоотидаги қурилиш ишлари ҳам ўрганилди. Улар мазкур иншоотнинг ҳолати, ишлар якунлангандан сўнг унинг эксплуатацияси ва ривожлантириш имкониятлари билан танишдилар. Ўрганиш давомида сув оқова тизимларининг самарадорлигини ошириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.



# Мутахассислар салоҳияти оширилмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 июндаги "Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-222-сонли қарори асосида энергияни тежаш ва самарадорлигини ошириш усуллари бўйича вазирлик масъуллари учун семинар ўтказилди.**

Шунингдек, Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт Дастурининг (БМТТД) "Ўзбекистонда энергия тежамкор қишлоқ уй-жойлари қурилишини ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида вазирликнинг тизим ташкилотларида "Бино ва иншоотларнинг энергия аудитига кириш" мавзусидаги ўқув курслари ҳам ташкил этилди. Унда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти, Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва лойиҳа ташкилотлари мутахассислари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари қатнашдилар.

Мазкур курслар мобайнида ходимларни биноларнинг энергия аудити, иқтисодий ҳисобининг асосий тушунчалари ва усуллари билан таништириш ҳамда бино-иншоотларнинг энергия



самарадорлигини амалий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадида бир қатор ижтимоий ташрифлар режалаштирилган. Хусусан, ўзлаштириш натижасига кўра, BMTTD/GEF ҳамда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан мутахассисларга сертификатлар тақдим этилиши кўзда тутилган.

**Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!**



**Хожиқўзижон ИСОҚОВ,** Фарғона вилояти ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари.

# Юртдошларимизни ҳайратга солаётган Фарғона –

## ҳар соҳада тараққиёт сари дадил одимламоқда

**Шарқ марвариди, дея таърифланадиган мафтункор Фарғона вилояти бугун ҳар жиҳатдан жадал тараққий этмоқда. Амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар туфайли шаҳар ва туманлар қиёфаси, иқтисодий аҳволи, энг муҳими, халқ фаровонлиги ва аҳоли турмуш тарзи ҳам юксалмоқда. Шу ўринда, вилоятнинг бу шиддатли тараққиёти замирида ҳудудда кенг кўламда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам мужассамлигини таъкидлаш лозим.**



Хусусан, биргина 2024 йилда "Янги Ўзбекистон" массивларида 102 та 3 952 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Ҳозирга қадар 18 та 511 хонадонли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, Фарғона шаҳридаги "Экошаҳар" массивида 17 та 491 хонадонли ҳамда Фарғона туманидаги "Янги сар" МФЙда 1 та 20 хонадонли уй-жойлар барпо этилди. Қолган 84 та 3 441 хонадонли уй-жойлар қурилиши режага асосан жадал суръатларда олиб борилмоқда. Қолаверса, жорий йилда уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда жами 118 та 4 648 хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 14 та 632 хонадонли уй-жойлар ўз эгаларига топширилди.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан бошланган "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши ҳар бир ҳududнинг ўзига хос меъморий тимсолини яратмоқда. Бу хайрли амалларни Фарғонада бўлган ҳар бир киши дилдан ҳис қилади, кўриб кўзи қувнайди. Жорий йилда ҳам вилоятнинг учта ҳудуди – Фарғона шаҳри, Фарғона ва Ёзёвон туманларида "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда. Ана шундай бунёдкорлик намуналаридан энг йириги ҳисобланган экошаҳар – "Янги Ўзбекистон" массиви том маънода водий аҳлининг азалий орзуларининг ижобати сифатида қад ростламоқда.

Айни пайтда ушбу массив қурилишининг биринчи босқичи якунига етди. Умумий майдони 300 гектар бўлган янги шаҳарда бугун 2 800 хонадондан иборат 75 та кўп қаватли уй қуриб битказилди. Йил охирига қадар яна 1 500 та хонадондан иборат 25 та 12 қаватли уй-жой қуриш режалаштирилган. Бундан ташқари, хитойлик инвесторлар томонидан қиймати 25 миллион АҚШ доллари бўлган, Фарғона водийсида ягона 30 қаватли муҳташам мажмуа қурилиши бошланди. "ECO TOWER" биносидан меҳмонхона, турар жой, савдо ва кўнгилочар мажмуалар ўрин олади. Шунингдек, япониялик инвесторлар ташаббуси билан 3 гектар майдонда Япон боғи ва меҳмонхона, бир гектар майдонда замонавий тиббиёт клиникаси қурилиши ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Швейцариянинг "RABAT" компанияси кўмагида 4,5 гектар майдонда замонавий савдо комплекси қад кўтаради.

"Янги Ўзбекистон" массиви чиндан ҳам гўзал, таърифига сўз ожиз. Бу ерда фақат инсон учун яратилган шароитларни санаб адоғига етолмайсиз. Замонавий ва кўзни қамаштирувчи осмонўпар бинолар, болажонларимиз учун яратилган боғча-ю майдончалар, тунда ҳам ўзининг мафтункорлиги билан одамларга завқ-шавқ улашаётган фаввора, мактаб – қўйингки, барча инфратузилма объектлари бир-биридан ажойиб. Ҳаттоки, бу массивни вилоятимиз туманлари ва турли ҳудудлардан ҳамюртларимиз келиб, томоша қилишмоқда.

Юртдошларимизнинг ҳайратланганича ҳам бор. Илгари ҳеч ким тасаввур қилолмаган воқеалар бугун ўз ижобатини топмоқда. Экошаҳардаги 70 гектар ерда "Янги Ўзбекистон" боғининг ташкил этилиши ҳам ана шундай ҳаётбахш ислоҳотларнинг амалдаги ифодасидир. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг ўзида 20 хилдан ортиқ 35 минг туп манзарали кўчат экилди. Эътиборлиси, энди бундай кўчатларни катта маблағ эвазига четдан олиб келишга зарурат қолмади. Мутахассислар маҳаллий иқлим шароитига мос энг ноёб кўчатларни етказиб беришни уддалашмоқда. Аҳолининг мароқли ҳордиқ чиқаришига кўмаклашиш, маданий-маърифий кечалар, кўнгилочар тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 4 минг ўринли амфитеатр барпо этилган ва унга уйғун сунъий кўлда мусиқали фавворалар ўрнатилди. Ички йўллар бошқа ҳудудлар билан туташтирувчи ҳалқа йўлига боғланмоқда. Жамоат транспорти қатнови учун қулай шоҳбекатлар барпо этиляпти.

Хуллас, ушбу мўъжизавий шаҳарчанинг имкониятларини санаб адоғига етиш мушкул. Энг муҳими, янги массивдаги бир-биридан шинам, замонавий типда қурилган, барча қулайликлар мавжуд хонадонларда яшаётган юртдошларимиз бугунги ҳаётидан мамнун. Қолаверса, юртбошимиз таъкидлаганидек, халқнинг давлатдан розилигини таъминлаш, энг олис ҳудудларда ҳам аҳоли учун қулай шарт-шароит ва яшаш тарзини яратиш мақсадида вилоятимизда бунёдкорлик билан бир қаторда бошқа йўналишларда ҳам мақтовга лойиқ ишлар амалга ошириляпти.

Биламизки, уй-жойлар қанчалик кўп қурилса, эҳтиёжманд аҳолининг ўз ошёнига эга бўлиш кўрсаткичи ҳам шунча ошади. Аммо бу борада сифат ва назорат масаласини ҳам унутмаслик лозим. Бу жиҳатдан, Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва мониторинг ишлари диққатга сазовор.

Хусусан, жорий йилнинг январь-май ойлари давомида 579 та объект ҳудудий инспекциянинг "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизимидан рўйхатдан ўтган ҳамда аввалги йилларда рўйхатдан ўтган объектлар билан бирга ҳисоблаганда жами 170 та объект фойдаланишга топширилди. Мазкур қурилиш объектларида 7 133 маротаба мониторинг ўтказилиб, 4 370 та ёзма кўрсатма берилган. Берилган ёзма кўрсатмалардан 3 403 тасининг ижроси таъминланиб, 967 таси ўрганиш жараёнида. Шунингдек, инспекция томонидан юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддасига асосан, 317 та жарима чоралари қўлланилган.



Объектларда 97 та ҳолатда 1 443,7 млн сўмлик сифатсиз ишлар аниқланиб, Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Фарғона вилояти ва ҳудудий туман шаҳар штабларига маълумот киритилган. Шундан, 60 та ҳолатда 809,9 млн сўмлик сифатсиз ишлар бартараф эттирилган. 31 та ҳолатда ўзбошимчалик билан қурилган объектларни демонтаж қилиш бўйича суд органларига даъво аризаси киритилган бўлиб, 2 таси ўз ҳисобидан буздирилган, 20 та даъво аризаси қаноатлантирилиб, қолган 9 таси бўйича суд жараёнлари давом этмоқда. Кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ ҳудудий инспекция томонидан 195 та мажбурий кўрсатма берилган. Шундан, 53 таси фуқаролар томонидан бартараф этилиб, 59 нафарига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ишлар бўйича 418,630 млн сўм жарима қўлланилган.

Маълумки, кўп қаватли уйлар кўпайгани баробарида уларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари сони ҳам тобора ортмоқда. Вилоятдаги мавжуд БСКлари томонидан айни пайтда кўп қаватли уй-жойларни 2024/2025 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича қатор ишлар бажарилмоқда. Бугунги кунда вилоятимизда 3 949 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, 123,4 мингдан зиёд хонадонга 63 та масъулияти чекланган жамият шаклидаги БСК хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда бошқарув сервис компаниялари маблағлари ҳисобидан 310 та кўп қаватли уй-жойни мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 5 485 млн сўм сарфланиши белгиланган. Амалда 175 та кўп қаватли уй-жойларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2 293 млн сўм сарфланди. Бундан ташқари, 403 млн сўм маблағ эвазига иккита болалар майдончаси қуриш ва 12 тасини таъмирлаш, 300 километр ирригация тармоқларини таъмирлаш, 600 квадрат метр йўлакларни бетонлаш, 42 та ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш ва янгисига алмаштириш ҳамда 4 та умумфойдаланиш ҳожатхоналари қуриш ишлари бажарилган.

Шунингдек, иссиқлик таъминоти бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ-404-сонли қарорига асосан, Фарғона шаҳар РК-3 қозонхонасини 73,8 километр иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳасини давом эттириш мақсадида 2024 йил учун Республика бюджети ҳисобидан 25 млрд сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан 13 километр иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш ҳамда ҳududдаги 52 та кўп қаватли уй-жойларнинг ички иссиқлик тизимларини тўлиқ қайта тиклаш режалаштирилган. Ҳозирги кунда 7 километр иссиқлик тармоқлари модернизация ва реконструкция қилиниб, бошқаларида қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида жами 19 941,5 километр автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 4 022 километрни, ички хўжалик йўллари, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари 15 919,5 километрни ташкил этади. Вилоятда автомобиль йўлларини ривожлантириш бўйича ўтаётган йилда 343,5 километр узунликдаги автомобиль йўлларида 335,5 млрд сўмлик реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Ўтган беш ой мобайнида 85,6 километр автомобиль йўлларида 130,5 млрд сўмлик ишлар бажарилди. Шунингдек, ушбу маблағлар ҳисобидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида йўл белгилари янгисига алмаштирилди, йўл кўрсаткичлар ўрнатилди, янги светофор қурилмасини қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Булардан ташқари, электрон табло ҳам ўрнатилиб, йўл чизиқлари чизилди. Пиёдалар йўлкалари ва велосипед йўлакчалари ташкил этилиб, панжаралар ўрнатилди ҳамда атрофига дарахт кўчатлари экилди.

Аҳолига қулай турмуш тарзини яратишда электр энергияси масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда "Фарғона электр тармоқлари ҳудудий корхонаси" АЖ тасарруфида 173 дона 35-110 кВли подстанция, 10 208 дона 6-10/0,4 кВли трансформатор пункти ва 28 369 км 0,4-110 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари мавжуд. Вилоятда 5 та 220 кВли (Фарғона, Сокин, Повулғон, Ўзгариш, Обиҳаёт) подстанцияларидан чиқувчи 45 та 110 кВли электр тармоқлар орқали 910 986 та истеъмолчига электр энергияси етказиб берилади.

Ушбу йил давомида АЖ томонидан 2504,8 километр электр узатиш тармоқлари ҳамда 908 дона трансформатор пункти мукаммал таъмирланиши режалаштирилган. Бугунги кунда 1064,2 километр электр узатиш тармоқлари ҳамда 429 та трансформатор пункти мукаммал таъмирланди. Бу ишлар учун 4,5 млрд сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, 76,4 млрд сўм маблағ эвазига 227,9 километр электр тармоқлари ва 94 дона трансформатор янгиланди. Жумладан, Марғилон шаҳридаги "Атлас" подстанциясида қуввати 25 000 кВА бўлган трансформатор янгисига алмаштирилди. Йил якунига қадар яна 8 та куч трансформатори янгиланиши кўзда тутилган. Ечиб олинган куч трансформаторлар 23 та подстанцияга ўрнатилиши ҳисобига қўшимча 326 минг кВА қувват захираси яратилади. Натижада, 220 мингдан ортиқ аҳоли хонадонларининг электр таъминоти яхшиланишига эришилади.

Электр энергияси ҳақида гап кетганда, бевосита газ таъминотига ҳам тўхталмасдан иложи йўқ. Ҳозирги кунда "Ҳудудгаз Фарғона" газ таъминоти филиалининг барча шаҳар ва туман газ таъминоти бўлимлари томонидан 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Ушбу жараёнда 4,2 километр газ қувури ва 12 дона газ тақсимлаш қурилмаси мукаммал таъмирланиб, 2 538 дона газ тақсимлаш қурилмаси техник кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, газ қувурларида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари бажарилди, ер ости газ қувурларининг техник ҳолати махсус ускуналар ёрдамида текширилиб, эстетик жиҳатдан тартибга келтирилди. Ҳозирги кунга қадар бажарилган ишлар натижасида 11 580 дона аҳоли хонадонларининг газ таъминоти яхшиланди. Мавсум якунига қадар 27 дона газ тақсимлаш қурилмаси (ГТҚ) мукаммал таъмирланиб, 4 272 таси техник кўрикдан ўтказилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда олис ҳудудларда ичимлик суви муаммоси ҳам бирин-кетин барҳам топмоқда. Ичимлик суви таъминоти бўйича 2024 йилнинг ўзида вилоятдаги 40 та аҳоли пунктида 99,4 млрд сўм маблағ ҳисобига, ичимлик суви тармоқлари ва иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш белгиланган. Бу орқали 120 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланиб, 21 минг нафари илк бор ичимлик суви билан таъминланади. Натижада, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 79,4 фоиздан 81,0 фоизга етказилиши режалаштирилган. Ўтаётган йилнинг беш ойида олиб борилган қурилиш-монтаж ишлари туфайли 74,6 километр ичимлик суви тармоқлари ва 15 та сув иншооти барпо этилди.

Ҳар қандай ривожланаётган соҳани ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода, вилоятда АКТни ривожлантириш мақсадида 4856 километр оптик толали алоқа кабеллари ётқизилиб, сифатли интернет хизмати яратилди. 1012 та аҳоли яшаш масканига қадар оптик толали алоқа линиялари ташкил қилинган бўлиб, қамров даражаси 98,7 фоизни ташкил қилмоқда. 2021-2024 йилларда вилоятда замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 40 та замонавий телекоммуникация қурилмаси ўрнатилиб, станциялар сони 160 тага етказилди. Шунингдек, 2024 йилнинг ўзида 2,436 минг километр оптик толали алоқа линиялари қурилиб, йил охирига қадар 5,7 минг километрга етказиш режалаштирилган.

Вилоят аҳолисига янада қулайлик яратиш мақсадида жамоат транспорти тизимини ҳам такомиллаштириш юзасидан қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Хусусан, транспорт хизматларини кўрсатиб келаётган салоҳиятли тадбиркорлар томонидан бугунги кунда жами 140 та янги автобус ва микроавтобус тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари асосида харид қилиниши режалаштирилган. Вилоятдаги йўловчи ташувчи корхоналар томонидан ўз ҳисоблари ва банк кредитлари ҳисобидан шу кунгача 108 та автобус ва микроавтобус харид қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги "2022-2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган "Хавфсиз ва равон йўл" умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-316-сонли қарорига асосан, жорий йил давомида 38 та автобус оралиқ бекатларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган. Бугунги кунда 11 та автобус оралиқ бекатлари қурилиб, реконструкция қилинди. Ҳозирда вилоятда 19 та автостанция фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган беш ой мобайнида битта автовокзал ва автостанция қурилиб, реконструкция қилинди. Шунингдек, 5 та янги жамоат транспорти йўналиши ҳам ташкил қилинди.

Ҳар қандай давлат тараққиёти бевосита ишлаб чиқариш ва саноат соҳасида амалга оширилаётган ишларга ҳам боғлиқ. Йирик корхоналар, завод ва фабрикалар иқтисодиётга катта фойда келтириш билан бир қаторда атмосфера ҳавосига зарар етказиши ҳам бор гап. Ҳозирда вилоятда атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ташловчи корхона ва ташкилотлар сони 1 минг 163 тани ташкил этмоқда. Жорий йилнинг 10 апрелидан 10 майига қадар вилоятда олиб борилган "Тоза ҳаво" ойлигининг 1-босқичи доирасида 15 минг 120 та автотранспорт воситаси назоратдан ўтказилди. Тадбир давомида 700 га яқин автотранспорт воситасидан чиқаётган ис гази меъёридан ортиқлиги аниқланиб, ЙҲХХ ходимлари томонидан тегишли тартибда чора кўрилди.

Яна бир неча кунлардан кейин мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигини нишонлаймиз. Бу қутлуғ санани кутиб олиш учун унга муносиб тайёргарлик кўриш керак. Юқорида таъкидлаганимиздек, вилоятимизда амалга оширилган барча ишлар энг аввало, истиқлол берган имконият, мустақиллик шарофати, десак тўғри бўлади. Келгусида ҳам вилоятимиз тараққиётини янада юксалтириш, бу орқали юртимиз ривожига ҳисса қўшиш мақсадида ҳар бир ишимизни Ватанга муҳаббат ҳамда "Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!" шиорига амал қилган ҳолда олиб боришга ҳаракат қилмиз.



O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№71-72 (824-825) 2024 йил 27 август



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

Барча ватандошларимизни энг буюк ва энг азиз байрамимиз –

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 33 йиллик айёми**

билан муборакбод этамиз!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака ва фаровонлик тилаймиз.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ

### ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

Азиз ва жонажон юртимизнинг меҳнаткаш аҳлига Истиқлол байрами муборак бўлсин!

**Мустақиллик қадри боқий, байрам шукуҳи файзли, Истиқлолимиз абадий бўлсин! Бунёдкорлик фазилати мужассам юртдошларимиз ғайратига кўз тегмасин!**




АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Жонажон диёримизнинг энг азиз байрами барча юртдошларимизга қутлуғ бўлсин!
Мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши ва равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.


ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Ватанимиз тараққиёти ва ривожи йўлида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ҳамкасбларимизни Мустақиллик айёми билан табриклаймиз.
Оилангизга хотиржамлик, ишингизга омад ва ўзингизга саломатлик тилаймиз!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№71-72 (824-825) 2024 йил 27 август

# БАРЧАСИ ЮРТ РАВНАҚИ ВА ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

**Бугун юртимизнинг барча ҳудудлари сингари кўҳна Хоразм вилояти ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, маданият, бунёдкорлик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли нафақат бу муқаддас маскан гуллаб-яшнамоқда, балки Хоразмнинг мард ва танти халқи ҳам фаровон ҳаёт кечирмоқда.**
**Янгиланишу ўзгаришлар қуршовида мамлакатимиз мустақиллигини муносиб кутиб олаётган Хоразм вилояти келгусида янада тараққий этиб, юртдошларимиз қатори хорижликларни ҳам ҳайратга солишда давом этаверади. Зеро, буларнинг барчаси юрт равнақи ва эл фаровонлиги учундир.**



## Байрамга муносиб туҳфа



**Истиқлолнинг 33 йиллик байрами арафасида вилоятимизда мустақилликнинг яна бир муаззам иншооти – "Хонқа" санаториясининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**



Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Турсунхон Худайберганов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Бош вазир ўринбосари Зулайхо Маҳкамова, Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов ва бошқа расмийлар, ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, касаба уюшмалари фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

"Хонқа" сиҳатгоҳининг янги биноси 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Воҳанинг баҳаво гўшасида жойлашган ушбу сиҳатгоҳ асаб, юрак-қон томир, гинекологик, таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари даволашга ихтисослашган бўлиб, дам олувчилар учун барча қулайликлар яратилган.

## Сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда

**Хоразм вилоятида кейинги икки йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 128 та лойиҳа амалга оширилди. Жорий йилда эса умумий қиймати 293 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ушбу қийматнинг асосий қисми эса хусусий секторга тўғри келади.**

Биргина Урганч туманининг ўзида 10 минг метр куб темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

– Хусусий корхонамиз қурилишлар учун тайёр темир-бетон плиталари ишлаб чиқаради, – деди корхона иш юритувчиси Азамат Бобожонов. – Корхонада 20 нафар ишчи доимий иш билан таъминланган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 миллиард сўмдан кўп темир-бетон маҳсулотини ишлаб чиқаришга эришдик.

